

ҲАЙРУЛЛА ИСМАТУЛЛАЕВ

НАВОИЙ ИЖОДИНИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА
ЎРГАНИШГА ДОИР

Алишер Навоий асарлари шоир ҳаёт вақтидаёқ Урта Осиё ва Афғонистондан ташқари Ҳиндистон, Туркия, Эрон сингари қатор Шарқ мамлакатларида ҳам тарқала бошлаган эди. XVI аср ўрталарига келиб, унинг асарлари Европада ҳам маълум ва машҳур бўла бошлади.

Навоий ижодини Европага танитган кишилардан бири Христофор Табризийдир. «Серендип шоҳнинг уч ёш ўғиллари зиёрати» асарининг муаллифи сифатида машҳур бўлган Табризий бу романининг иккинчи қисмида улғў ўзбек шоирининг «Сабъаи сайёр» достони сюжетидан фойдаланган. Дастлаб италян тилида (Венеция, 1557) босилиб чиққан бу роман кейинчалик италян, француз, немис, инглиз, голланд тилларида 1828 йилгача ҳаммаси бўлиб 15 марта нашр этилган. Навоий асари сюжети асосида яратилган бу роман Европа китобхонларида жуда катта қизиқиш уйғотган.

Роман муаллифи табризлик арман бўлиб, ўз асарини персиян (форс) тилидан италян тилига таржима қилган. Е. Э. Бертельснинг гувоҳлик беришига кўра, ўша даврда «персиян (форс) тили» термини остида форс тили эмас, балки озарбайжон тили назарда тутилган.

Христофор Табризий ўз китобини Баҳром ва Дилором ҳақидаги дostonга назира қилиб ёзган. Бу факт Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асари шоир вафотидан кейин эллик йил ўтар-ўтмас унга маълум бўлганини исботлайди. Бу даврда Навоий дostonлари Яқин Шарқда кенг тарқалган ва ўша даврнинг илғор вакилларига катта таъсир кўрсатган эди. Масалан, XVI асрда вафот этган улғў озарбайжон шоири Фузулий Навоийдан унумли фойдаланган, ўзининг лирикаси ва ажойиб «Лайли ва Мажнун»ида унга тақлид қилган. Грузин шоири Цицишвилининг «Етти гўзал ёхуд Барамгуриани» («Баҳром Гўр») достони ҳам, проф. К. Кекелидзе ва Б. Т. Руденколарнинг фикрича, ўз асоси билан Низомийга эмас, балки Навоийга бориб тақалади.

Табризий ўз асарида Навоий номини тилга олмаган. Уқувчилар ҳам Шарқ шоирларининг қайси бири билан муомалада бўлганларини билмаганлар. Лекин Табризий асарига ажойиб материал берган, унга жанот ва парвоз бахш этган Навоий асари бу роман орқали Европа ўқувчисининг кундалик турмушига кириб борган ва уни мафтун этган.

«Саъдий «Гулистон»ининг биринчи таржималари Европада фақат XVII асрдагина чиққанигини эътиборга олсак,— деб ёзади Е. Э. Бертельс,— унда иқрор бўлиш керакки, Навоийнинг «Сабъаи сайёр»и Фарб ўқувчисида узоқ ва катта муваффақият қозонган Шарқ бадиий адабиётининг дастлабки асарларидан биридир»¹.

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларига келиб, Навоий асарлари Европа мамлакатларини ўзига забт этди. Навоий

¹ Е. Э. Бертельс, Навои и Джами, М., 1965, стр. 446.

ҳаёти ва ижодига оид илмий мақолалар эълон қилина бошланди, шоир асарлари немис, француз, инглиз тилларида чиқа бошлади.

Бу даврда шарқшунос олимлардан М. Катремер, М. Белин, Ч. Ри. А. Вамбери ва бошқалар Европа навоийшунослигига ҳисса қўшдилар. Француз олими М. Белиннинг навоийшунослик соҳасида қилган ишлари анча диққатга сазовордир. У Европада биринчи бўлиб, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, уни 1861 йили «Журнал Азиатик» (5-серия, XVII том) да босиб чиқарди. Мазкур мақола асосида кейинчалик алоҳида китобча нашр этди (Қаранг: Notice biographique et litteraire sur mir Ali-chir nevâii suite d'extraits tirés des oeuvres du même auteur, par. m. Bellin. М. Белин бу билан чекланмай, Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирини» асари ҳақида каттагина илмий иш ёзди («Журнал Азиатик», 5-серия, XVII том), «Мажолис ун-нафоис»ни нашр этди (1861), «Маҳбуб ул-қулуб» устида илмий кузатишлар олиб бориб, асарнинг айрим бобларини таржима қилди («Журнал Азиатик», 6-серия).

Мажор шарқшуноси А. Вамбери эса «Маҳбуб ул-қулуб»нинг кириш қисмини, «Фарҳод ва Ширин»нинг айрим бобларини ва шоирнинг бошқа асарларидан олинган парчаларни немис тилига таржима қилди. Навоийнинг адабий мероси ҳақида фикрлар баён қилди (Қаранг: Вамбери, «Чагатайиш шпрахстудиен»).

А. Вамбери Ўрта Осиё тўғрисидаги китобларида: «Энг улуг ўзбек шоири Навоийни ҳамма ерда билишади» («Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат», 1874, 303-бет), «Навоий жуда кам дунёга келадиган шеърят генийсидир. У жуда маҳсулдор шоир. У ўздан кейин шеърят, тарих, ахлоқ ва мантиққа оид 32 та алоҳида асар қолдирган» («Ўрта Осиё очерклари», 1868, 340—341-бетлар) деб унга юксак баҳо беради. Лекин у ҳам айрим буржуа шарқшунослари сингари Навоий «Хамса»си сюжет жиҳатидан оригинал эмас, деб исботламоқчи бўлади («Ўрта Осиё очерклари», 1868, 342-бет).

Француз шарқшуноси Катремер 1841 йили Парижда Европада биринчи марта Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» (Париж қўлёзмасига асосланиб) ва «Тарихи мулуки Ажам» асарларини нашр этди.

Шарқ фани ва маданиятига қизиқиш жуда кучли бўлган Уйғонув даврида ва ундан кейинги асрларда Европа мамлакатларининг музей ва кутубхоналарида Шарқ қўлёзмаларининг катта фонди тўпланди. Бу фондларнинг асосий қисмини Шарқ маданияти, адабиёти, тил, тарихи, жуғрофияси, урф-одатларига оид қўлёзмалар ташкил этган. Бу табиий бир ҳолдир. Чунки Европа мамлакатларидаги маданий ривожланиш Шарқ мамлакатлари маданияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Европа Ренессанси Шарқ маданияти билан суғорилган эди.

Буюк Британия, Франция, Германия, Италиянинг музей, кутубхона ва шахсий фондларида тўпланган Шарқ қўлёзмалари орасида Алишер Навоий асарлари катта ўринни ишғол қилади.

Инглиз шарқшуноси Чарльз Ри. 1888 йили Лондонда «Британиа музейида сақланаётган туркий қўлёзмалар каталоги»ни нашр этади. Мазкур асарнинг ва бундан аввал нашр этилган 3 томли форс қўлёзмалари каталогининг бир қисмида Британия музейида сақланаётган Алишер Навоий асарлари тавсиф этилади.

Чарльз Ри. машҳур шарқшунос олим бўлиб, у Навоий ҳаёти ва ижодини яхши билган, ижодини тўғри баҳолаган. Масалан, у Навоий ҳақида қуйидаги объектив фикрларни айтган эди: «Мир Али Шер туркий тилни адабий тил даражасига кўтаришда энг кўп хизмат қилган

нинг энг маданиятли, энг ўткир фикрли эканлиги барча томонидан тан олинган. У, албатта, чигатой шоирларининг энг маҳсулдоридир»².

XIX асрнинг 80-йилларида Англияда Навоийнинг деярли ҳамма асарлари тавсиф этилиб ўрганила бошланган эди.

Британия музейида сақланаётган ва Чарльз Рие томонидан тавсиф этилган Навоий асарлари қўлёзмаси 15 уникал нусхадан иборат.

Алишер Навоий асарларининг уникал қўлёзмалари Британия музейидан бошқа яна Туркия кутубхона ва музейларида, Кембриж, Оксфорд университетлари кутубхоналарида, Вена ва Париж Миллий кутубхоналарида ҳам сақланмоқда. Бироқ бу муассасалар эълон этган каталогларда Навоий асарлари қўлёзмаларининг айримларигина кўрсатилган.

XX асрнинг биринчи ярми Европа навоийшунослигида Э. Г. Браун, Э. Блошэ, М. Буват ва бошқаларнинг номини учратиш мумкин. Лекин бу шарқшунослар навоийшунослик фанига кўринарли даражада янгилик кўша олмадилар³.

Инглиз шарқшуноси Эдуард Г. Браун ўзининг тўрт томлик «Эрон адабий тарихи» китобининг учинчи томида⁴ (Кэмбриж, 1951) Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди устида тўхталиб ўтади.

Э. Г. Браун Навоий ижодига баҳо берар экан, асосан М. Белиннинг маълум ишига ва Е. Ж. Гиббинг «Усмонли турк шеърят тарихи» исми китобига суянади. Э. Г. Браун Навоийга юксак баҳо бериб, шундай ёзади: «Мир Алишернинг ҳам ёзувчи, ҳам қалам аҳлининг ҳомийси сифатида аҳамияти ва таъсири таърифлаб бўлмас даражада буюқдир. У ўз даври ва ватанининг ҳомийсидир...»

Унинг ўзи бир вақтда энг яхши созанда, бастакор, рассом ҳамда туркий тилда ёзувчи тенги йўқ шоир бўлган...

У хайрли ишларни амалга ошириш учун соф кўнгилдан бел боғлаган эди. У фақат Хуросоннинг ўзида энг камида 370 мачит, мадраса, дам олиш уйлари, қаландархоналар ва мусофирхоналар қурдирди, тақлатди ва доимий маблағ билан таъминлади...

У маҳсулдор ёзувчи бўлиб, Белиннинг кўрсатишича, унинг 29 асари мавжуд» (Юқоридаги асар, 505—506-бетлар).

Э. Г. Браун Алишер Навоийнинг усмонли турк адабиётига таъсири масаласини Е. Ж. Гиббинг «Усмонли турк шеърят тарихи» китобига асосланган ҳолда ёритади.

Умуман, Э. Г. Браун ҳам А. Вамбери ва бошқа буржуа шарқшунослари сингари Алишер Навоий «Хамса»си Низомий «Хамса»сига, «Лисон-ут-тайр» Атторнинг «Мантиқ-ут-тайр» асарига тақлидан ёзилган, деган асли даъвосини қайтарган. Қизиғи шундаки, Э. Г. Брауннинг ўзи Алишер Навоийнинг бирор ғазалини, «Хамса»га кирган беш дostonнинг бирортасини асл нусхада ўқимаган. Лекин шунга қарамай, Брауннинг ҳам, бошқа буржуа олимларининг ҳам Навоий ҳаёти ва меросини ўрганишга интилишлари, шоир асарларининг қўлёзмаларини тўплаб, тавсиф этишлари Европада Навоий ижодига қизиқиш кучли эканлигини кўрсатади.

Шарқ халқлари тарихи ва маданиятига бўлган қизиқиш йил сайин кўшиб бормоқда. Бу нарса Шарқ тарихи билан қизиқувчи Гарольд Лемб сингари ёзувчилар ижодида ҳам равшан кўринади.

² Ч. Рие Британия музейида сақланаётган туркий қўлёзмалар каталоги, Лондон, 1888, 273-бет.

³ Бу ҳақда қаранг: Е. Э. Бертельс, Навои и Джами, М., 1965; Ф. Кариев, Рус шарқшунослигида Навоий ижоди масалалари, «Шарқ юлдузи», 1967, 9-сон.

⁴ Бу китобнинг биринчи нашри 1920 йилда «Форс адабиёти тарихи» номи билан нашр этилган эди.

Америка ёзувчиси Гарольд Лемб ўзбек халқининг улуг фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобир ҳақидаги «Бобир Шер» китобида (Нью-Йорк, 1961) Алишер Навоийни улуглайди, унинг машҳур шоир эканлигини, она тилини эъзозлаганлигини юқори баҳолайди.

XX асрнинг ўрталарига келиб, Европа мамлакатларида Навоий асарларининг тўла таржималари (Венгрия, Германия Демократик республикаси), Навоий ҳаёти ва ижодига оид илмий тадқиқот ишлари пайдо бўла бошлади (ГДР, Чехословакия, Руминия, Польша, Венгрия). Европа халқ демократияси мамлакатларида нашр этилаётган қомусларда, адабий тўпламларда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди тўғри баҳоламоқда. Масалан, Германия Демократик республикасида нашр этилган «Совет Иттифоқи халқлари адабиёти» («Литературен дер фолкер дер совьет юнион», Лейпциг, 1967) тўпламининг ўзбек адабиётига бағишланган қисмида Алишер Навоий ҳаёти, ижодига оид мақола берилган. Мақола муаллифи доктор Г. Дудек Навоийнинг улуг шоир, ёзувчи, файласуф ва давлат арбоби эканлиги ҳақида гапириб, унинг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Девони Фоний», «Хамса», «Лисон ут-тайр» асарлари ҳақида объектив фикрлар баён қилган.

* *
*

Улуг мутафаккир Алишер Навоийнинг 525 йиллиги арафасида Афғонистон, Туркия, Эрон сингари Осиё мамлакатларида шоир ижодига оид қатор илмий мақолалар, тўпламлар, монографиялар босилиб чиқди, шоир асарлари қайта нашр этилди.

Афғонистонлик навоийшунос Муҳаммад Ёқуб Воҳидий «Анжумани тарих» нашриётида шоирнинг 525 йиллик юбилейига атаб «Амир Алишер Навоий» номли илмий тадқиқотини босиб чиқарди. Турк олими Огоҳ Сирри Левенд «Алишер Навоий» номли 4 жилдли асарини нашр этди. Бу асар улуг шоирнинг 525 йиллик тўйига «Турк Дил Қуруму» жамияти томонидан чиқарилган. Асар муаллифи «Мантиқ ут-тайр» (Анқара, 1955), «Навоийнинг арабча сўзлиги» (Анқара, 1956), «Навоий асарлари» (мақола, 1957), «Навоий номи (тахаллуси) билан босилган бир асар» (мақола, 1958), «Туркия кутубхоналарида Навоий асарлари» (мақола, 1958) каби Навоий ижодига оид қатор илмий ишлар яратган.

«Алишер Навоий» асарининг биринчи жилди (Анқара, 1965) «Ҳаёти, санъати ва кишилиги» деб номланган. Асарнинг иккинчи жилдида (Анқара, 1966) кириш сўзи ва шоир девонларидан парчалар берилган. 3-жилдида «Хамса»дан, 4-жилдида эса Навоийнинг бошқа асарларидан парчалар келтирилган.

«Алишер Навоий» китобининг 1-жилдида шоир ҳаёти, ижоди ва шахсияти ҳақида баҳс юритилади. 15 бобдан иборат бу китобнинг охирида шоир ҳаёти ва ижодига доир илмий ишларнинг каттагина рўйхати келтирилган. Адабиётлар рўйхатидан кўриниб турибдики, асар муаллифи О. С. Левенд В. В. Бартольд, А. Н. Самойлович, Е. Э. Бертельс, М. А. Салье, А. А. Семёнов, С. Айний, Ойбек, А. Якубовский, А. К. Боровков, А. Н. Кононов, Ҳ. Орасли, А. Шералиев, Ҳамид Сулаймон, А. Ҳайитметов, С. Ғаниева ва Э. Рустамов сингари таниқли навоийшуносларнинг илмий ишлари билан яхши таниш.

«Навоийни етиштирган чоғ» деб номланган китобнинг биринчи бобида муаллиф XIII—XV асрлардаги Ўрта Осиёнинг маданий марказлари, форс тилининг адабий тилга таъсири, Навоийгача Ўрта Осиё халқлари адабий тили, туркий адабиётнинг ривожланиши каби масалалар устида фикр юритади. «Навоийнинг ҳаёти» ҳамда «Навоийнинг ижодий

ҳаёти ва девонлари» бобларида эса шоирнинг ҳаёти, ижодининг бошланиши, туркий ва форсий девонларининг тартиби, Жомий ва Навоий муносабатлари ёритилган. Огоҳ Сирри Левенднинг аниқлашича, Навоийнинг форсча девони ўз ичига ҳаммаси бўлиб 12 минг мисрани олган (филология фанлари доктори Ҳамид Сулаймоннинг текширишларига кўра, «Девони Фоний» 6197 байтдан иборат). О. С. Левенд «Хамса»ни озми-кўпми таҳлил этар экан, Навоий дostonларини Низомий «Хамса»сига, Фирдавсий «Шоҳнома»сига қиёслайди. «Хамса»га кирган дostonларнинг бадий хусусиятларига онд баъзи мулоҳазаларни ҳам баён этади.

Олим ўз асарида Навоий ва тил, Навоийнинг эстетик қарашлари, шахсий ҳаёти ва характери сингари қатор масалаларни ҳам текширишга уринади. Шубҳасиз, бу масалани ҳал этишда у ҳамиша тўғри йўлдан бормайди. Масалан, Навоий тили ҳақида сўз борганда, уни турклаштиришга ҳаракат қилади. Бу каби нуқсонларнинг мавжудлигига қарамай, Левенднинг Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган иши навоийшунослар эътиборини қозонадиган асарлардан биридир.

Биз бу мақолада Навоий меросини хорижий дунёда ўрганиш тарихи билан боғлиқ бўлган айрим факт ва масалаларнигина тилга олдик. Лекин шу фактларнинг ўзиёқ хорижий дунё Шарқ классик адабиёти ва унинг порлоқ юлдузларидан бири — Навоий ижодини тобора чуқурроқ ўрганаётганини кўрсатади. Хорижий мамлакатлар халқларининг улур ўзбек шоирига бўлган қизиқиши яна ҳам кучаяди, деб умид қиламиз.
